

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan


ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 25-noyabr / № 45 (4704)

## ХАЛҚАРО МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

### «ЛУВР»ДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

Франция пойтахти Париж шаҳридаги «Лувр» музейи дунёдаги энг бой ва машҳур музейлардан бири сифатида доимо жаҳон санъатсеварларининг диққат марказида туради. Мазкур музейга ҳар йили 10 миллионга яқин томошабин киради. Энди тасаввур қилинг, шу йилнинг 23 ноябридан келаси йилнинг 6 мартигача давом этадиган «Ўзбекистон воҳалари хазиналари. Карвон йўллари чорраҳасида» ҳамда «Самарқандга йўл. Ипак ва олтин мўъжизалари» деб номланган кўргазмаларни дунёнинг қанча мамлакатидан Парижга борадиган сайёҳлар ва парижликлар томоша қилади! «Лувр»да илк бор намоиш этилаётган қадим юртимиз тарихидан ҳикоя қилувчи осори-атиқаларни кўргазмага тайёрлаш учун жуда катта меҳнат сарфланган.



Ушбу кўргазмани ташкил этиш ишлари бошланишига бундан тўрт йил аввал Президентимизнинг Францияга ташрифи сабаб бўлган. Бу ҳақда «Лувр» музей-



нинг ислом санъати департаменти раҳбари Янник Линс кўргазма муносабати билан Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсида шундай деди: «Бундан тўрт йил аввал жаноб Президент Мирзиёев «Лувр»га ташриф буюриб, ёнидагилар вақт тизилишига эслаб турган бўлса ҳам, музейда узоқ қолиб кетганди... Бу учрашувни кўп эслаймиз». Ўша пайтда мазкур музей ва Ўзбекистон маданияти ва санъатини ривожлантириш жамғармаси раҳбарлари ўртасида келишув имзоланган. Шу йилнинг июнь ойида эса, Парижда иккита кўргазма ўтказиш ҳақидаги ҳужжатга қўл қўйилди. Кўргазма очилишига пухта тайёрларлик кўрилди. Экспозицияларни тайёрлаш

жараёнида ўзбек ва француз мутахассислари ҳамкорликда иш олиб бордилар. Кўргазмалардан асосий мақсад Ўзбекистоннинг жуда қадимий маданий тарихи билан дунё халқларини таништиришдир. Деворий суратлар, саройларнинг ўйилган қисмлари, декоратив санъат ва хунармандлик намуналаридан иборат 169та экспонатни олиб юртга етказиш ва уларни жойлаштиришдек мураккаб жараён муваффақиятли амалга оширилгани туфайли томошабинлар кўз ўнгига катта тарих жонланди. Чироқлар, безаш усуллари ҳам жуда гўзал. Илгари бундай кўламли ишга қўл урилмаганини айтиб ўтиш жоиз.



5

## ТАҚДИМОТ

Маълумки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2019 йил 15 октябрь куни Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида ташкилотга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат 100 жилдлик китоблар туркумини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш ғоясини илгари сурган эди.

### 100 ЖИЛДЛИК МУҲТАШАМ МАЖМУА


Ана шу эзгу ташаббус асосида юртимизда «Туркий адабиёт дурдоналари» номли 100 жилдлик асарлар мажмуаси нашр этилди. Куни кеча Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлган ушбу муҳташам мажмуанинг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайридин Султонов сўзга чиқиб, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги маънавий-маърифий ташаббуслар, эзгу ва инсонпарвар лойиҳалар, хусусан, «Туркий адабиёт дурдоналари» номли 100 жилдлик асарлар мажмуаси нашр этилишининг Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги адабий дипломатияни шакллантиришдаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамияти, туркий халқлар ўртасида ягона тарих ва умумий қадриятлар тимсолига айланган адабий алоқалар ҳақида фикр билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев ушбу йирик мажмуани яратиш билан боғлиқ жараёнлар, олиб борилган илмий ва ижодий изланишлар ҳақида маълумот берди.

Мажмуага умумтуркий адабиётнинг қадимги давридан то бугунги кунимизга қадар яратилган асарлари, жумладан, Ўзбекистон, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, шунингдек, Туркменистон ва Венгрия давлатларининг мумтоз ва замонавий адаблари ижодидан энг сара намуналар киритилган.

Мажмуанинг «Умумтуркий адабиёт



намуналари» деб номланувчи дастлабки 5 жилдидан Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақоийк», Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийнинг «Ҳикमतлар»и ҳамда Носируддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» каби мумтоз асарлари ўрин олган. 28 жилдни ташкил этган «Ўзбек адабиёти намуналари» Алишер Навоийнинг сайланма ғазаллари билан бошланиб, қорақалпоқ адабиёти намуналарини ҳам ўз ичига олади.

Мажмуада турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз ва туркман бадий ижодиётига ҳам кенг ўрин ажратилган. Жумладан, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Низомий Ганжавий, Насимий, Фузулий, Махтумқули, Муллафаас, Нозим Ҳикмат, Самад Вургун, Абай, Мухтор Азевов, Собит Муқонов, Чингиз Айтматов, Тулаган Қосимбеков, Мар Бойжиев, Отажон Тўғон каби мумтоз ва замонавий адабиётнинг 100 дан ортиқ намоёндалари қаламига мансуб ноёб мерос жамланган. Таниқли венгер адабларининг асарларидан қилинган таржималар яқунловчи жилд сифатида тақдим этилган.



2

## Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!

### ЖИЗЗАХДА ДИЛКАШ ДАВРАЛАР

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Маънавият карвони» билан йўлга тушган олимлар, зиёлилар, ижодкорлар, санъат аҳли, киноактёрлар юртимизнинг энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларида бўлиб, одамлар билан юзма-юз суҳбатлаш-

моқда. Уларнинг аҳолининг дарду ташвишлари, қувончу ютуқларига шерик бўлаётгани, кайфиятини кўтараётгани юртдошларимиз орасида ўзаро меҳр ришталарини янада мустаҳкам боғлашга хизмат қилмоқда.



Мазкур ҳаётбахш тадбирларнинг навбатдаги манзили Жиззах вилояти бўлди. Бир ҳафта мобайнида вилоятнинг ҳар бир туман, маҳалла, қишлоқ ва овулларида «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» шиори остидаги тадбирлар кўтаринки

руҳда ўтказилди. Фестиваль доирасида ташкил этилган ижодий учрашув ва мулоқотларда сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистоннинг янги қиёфаси, янги сийёсати ҳақида сўз юритилди,

халқимиз учун яратилган ва яратилаётган имкониятлар, Президентимиз томонидан қабул қилинган қарор ва фармонларнинг амалий ва ижобий самараси ҳақида фикрлар айтилди.



2

## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН

### «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ АСАРИ» республика танлови

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонди «Йилнинг энг яхши асари» республика танловини эълон қилади.

Унда мамлакатимизда адабиёт соҳасидаги ислохотларни ҳаётга жорий этиш, бадий ижодни ривожлантириш ва адабларни янги асарлар яратишга рағбатлантириш, ижодкор меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида ўтказилаётган танловда адабий жанрлар ва йўналишлар бўйича бадий жиҳатдан юксак, китобхонлар эстетик диққати юксалтирадиган, уларга маънавий озуқа бағишлайдиган мукамал асарлар танлаб олинади.

Танлов бадий адабиётнинг бешта – наср, шеърят, драматургия, бадий таржима, адабий танқид ва бадий публицистика йўналишларида бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, профессионал адаблар иштирок этишлари мумкин. Ижодкорлар 2022 йилнинг 1 январидан 10 декабригача матбуотда, нашриётларда чоп этилган, адабий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммаси эътирофига сазовор бўлган янги

асарлари, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётимиз намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинган янги таржималари ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналаридан ўзбек тилига таржима қилинган янги таржима асарларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Йилнинг энг яхши асари» танлови Ишчи гуруҳига тақдим этишлари мумкин.

**Манзил:** Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони.

**Мурожаат учун телефон:** 71 231-83-67

**Танловга тавсия этилган асарларга қуйидаги маълумотлар илова қилинади:**

- адибнинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача маълумотнома (объективка);
- манзили ва телефон рақами;
- паспорт нусхаси.

Танловга қабул қилинган бадий асарлар танлов Ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Филиблар диплом, статуетка ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Филиблар шу йил декабрь ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказиладиган тантанали тақдимот маросимида эълон қилинади ва тақдирланади.

Бугун Ўзбекистонга дунё ҳамжамиятининг эътибори ортаётгани, мамлакат ички ҳаётида кузатилаётган очиқлик, иқтисодий эркинликнинг таъминланаётгани, инновация ва янгилашлар, тадбиркорлик муҳити яшилгани, барча соҳада рақамлаштириш ва янги технологиялар жорий қилингани, таълимга янги ёндашувлар кучайгани, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида ижобий таъсир кўрсатаётган. Халқаро экспертлар ва хорижлик сиёсатчилар томонидан бугунги Ўзбекистон ўзининг жадал ислохотлари билан эътибор қозонаётган давлат сифатида эътироф этилмоқда.

## МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Жорий йил сентябрь ойида Самарқандда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммити, ноябрь ойида Туркий тилли давлатлар Кенгашининг тадбирларида Ўзбекистон баён этган таклиф ва ташаббуслар замирида ташқи сиёсатимизнинг мақсад ва йўналишлари намоён бўлди. Бугун мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг мисли кўрилмаган кенг кўламли дастури амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг 2035 йилга келиб дунёнинг элитка иқтисодий ривожланган мамлакатлари қаторига киришига хизмат қилади. Ана шу нуқтаи назардан Франция давлати билан ҳамкорлигимиз муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро аҳил ва дўстона муносабатлар узоқ тарихга эга. XIV аср ўрталарида соҳибқирон Амир Темурнинг Европа қироллари билан олиб борган мулоқотлари, жум-

ладан, Франция қироли Карл VI билан ёзишмалари маълум. 1394 ва 1399 йилларда Самарқандга келган француз элчиси Франсуа Сандро Франция қиролининг Амир Темур номига ёзилган мактубини етказган. 1402 йилга келиб Карл VI билан Амир Темур ўртасидаги ёзишмалар ҳамда иқтисодий-сиёсий алоқалар янада фаоллашган. Мактубларда Амир Темур ўз давлати билан Франция ўртасида савдо-сотиқ алоқалари мунтазам йўлга қўйилишига эътибор қаратган: "Бизнинг у улуг амирдан кутганимиз шундурки, доимо бизга шохона мактубларни юбориб, саломатликларини билдириб турсалар, токи биз хотиржам бўлгaysимиз. Яна сизнинг савдогарларингиз бу тарафга қатнаб турсалар, биз бу ерда уларни азизу мукаррам тутгaysимиздир, шунингдек, бизнинг савдогарлар у тарафга юборилса, сиз ҳам уларни азизу мукаррам тутсангиз, ҳеч кимса уларга зўриқ қилмаса

ва зарар-заҳмат етказмаса! Чунки дунё савдогарлар билан ободдир!".

Соҳибқироннинг Франция қиролига ёзган иккинчи мактуби 1402 йил 1 август санаси билан белгиланган. Амир Темурнинг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ташаббуси Франция қироли томонидан мамнуният билан қабул қилинган. 1403 йил 15 июнда Карл VI нинг Соҳибқирон номига йўлланган мактубида ўз ифодасини топган: "Яратганининг марҳамати билан франклар қироли Карл, муҳтарам ҳазрат ва музаффар подшоҳ Темурбекка салом йўллайди ва тинчлик тилайди" сўзлари билан бошланган мазкур мактуб шундай сўзлар билан якунланади: "Биз сизнинг ишларингизни, фойдали таклифларингизни қабул қиламиз, имкони бор жойларда (уларга) баробар ва ундан ортиқроқ илтифот кўрсатишга ваъда берамиз".

Мазкур тарихий ҳақиқат, яъни Амир Темур давридаёқ давлатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дипломатик алоқалар ўрнатилгани бугунги ёш авлодга гуру-ифтихор бағишлайди.

Олис тарихда ўрнатилган дўстона алоқаларнинг мантикий давоми Янги Ўзбекистоннинг бугунги Франция давлати билан музокараларида ҳам тасдиғини топмоқда. Куни кеча якунланган олий даражадаги ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Феруза МУҲИТДИНОВА,**  
юридик фанлар доктори,  
профессор

## 100 ЖИЛДЛИК МУҲТАШАМ МАЖМУА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

"Туркий адабиёт дурдоналари" тўпламини нашрга тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкилотчилигида қисқа муддатда катта меҳнат, залворли ижодий иш амалга оширилди. Мажмуа учун материал тўплаш мақсадида қардош давлатларга бир неча бор ижодий сафарлар уюштирилди. Энг малакали таржимонлар, адабиётшунос

яти орқали дунёга танилади. Ҳозир ҳам адабиёт халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим воситадир. Биз ушбу тўплам ҳақида Озарбайжон оммавий ахборот воситаларига маълумот юбордик. Бу воқелик Озарбайжонда катта қизиқиш уйғотди. Айни пайтда, мазкур мажмуа Шавкат Мирзиёевнинг туркий адабиёт ривожига қўшган улкан ҳиссаси сифатида юксак баҳоланмоқда.

— Туркий давлатлар ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда, — деди Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият масалалари бўйича атакташеси Айжамал Қарамурзаева. — Бунда маданий ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Туркий адабиёт дурдоналари" тўпламини нашр этишга оид ташаббуси улкан лойиҳа саналади. У туркий давлатлар ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшади. Мазкур тўплами тайёрлашда меҳнат қилган таржимон ва ижодкорларга миннатдорлик билдирмоқчиман.



ва матншунос олимлар, адиблар, муҳаррир ва расомлар мажмуани тайёрлаш ва чоп этиш ишларига кенг жалб этилди.

Ғоят синчковлик ва катта масъулият талаб қиладиган бундай кенг қамровли ижодий жараёнда шу кунга қадар амалга оширилган таржималар орасидан энг саралари, таржима санъатининг мумтоз намуналари сифатида эътироф этилган етук асарлар танлаб олинди. Мазкур ижодий лойиҳада Фафур Фулом, Мирзақалон Исмоилий, Миртемир, Носир Фозилов, Пиримқул Қодиров сингари устоз адиблар билан бир қаторда бадиий таржима соҳасининг бугунги маҳоратли номояндларининг ижодий ишларига ҳам алоҳида ўрин ажратилди.

— "Туркий адабиёт дурдоналари" тўплами нашр этилгани учун Озарбайжон давлати номидан Президент Шавкат Мирзиёевга ўз миннатдорлигини билдираман, — деди тақдиротда сўзга чиққан Тошкентдаги Озарбайжон маданият маркази директори, Озарбайжон Республикасининг юртимиздаги элчихонаси биринчи котиби Самир Аббосов. — Бу ғоят муҳим тарихий воқеадир. Эндиликда китобхонлар туркий мамлакатларнинг ёзувчи ва шоирлари асарларини ўз она тилларида ўқиш имконига эга бўлдилар. Адабиёт — ҳаёт кўзгуси. Ҳар бир халқ ўз адабиёти, мадани-

— Очиғини айтганда, Президентимизнинг таклифи тушганда, қисқа вақт ичида бундай улкан лойиҳани бажариб улгурамизми, деган савол туғилганди, — деди "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири, таниқли журналист ва таржимон Аҳмадjon Мелибоев. — Мажмуани тайёрлашда Ёзувчилар уюшмаси масъуллари, олимлар, ноширлар, журналистлар биргалишиб ишладик. Мажмуа мисолида туркий тилли давлатлар адабиётининг босиб ўтган ижодий йўлини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Шу билан бирга, мазкур тўплами тайёрлашда қардош мамлакатлар адабиётида қандай жараёнлар кечаётганини ҳам англадик. "Туркий адабиёт дурдоналари" тўпламининг нашр этилиши Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфасини кўрсатадиган беқиёс лойиҳа бўлди.

Тақдирот маросимида сўзга чиққанлар ушбу адабий дурдонанинг нашр этилиши қардош халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**  
ЎЗА муҳбири

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

"Маънавият қарвони" лойиҳаси вакиллари вилоят ҳокими Эргаш Солиев кутиб олди ва вилоятда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништирди. Хусусан, Жиззах шаҳридаги Қозон федерал университетининг филиали, вилоят "Ахборот кутубхона маркази", "Sambhram" университети ҳамда Зарбдор туманидаги 1-сонли имкониёти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати ва 2-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ёшларга яратилган шароитлар кўздан кечирилди.

Ушбу учрашувлар жараёнида кейинги йилларда Жиззах вилоятида улкан ўзгаришлар рўй берганига ғувоҳ бўлдик. — Янгидан бунёд этилган олий ўқув юртли, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ёшларга яратилган шароитларни кўриб, мамнун бўлдик. Айниқса, кар-соқов болалар мактабидаги бир воқеа ёдимиздан кўтарилмаса керак. Мактаб формасидаги бир гуруҳ ёшлар кўшиқ куйлашди. Қўл ҳаракатлари билан куйланган бу овозсиз кўшиқни эшитиш ва гапириш лаёқатидан маҳрум болалар юраклари билан куйладилар.



## ЖИЗЗАХДА ДИЛКАШ ДАВРАЛАР

Қалбдан чиққан бу кўшиқ Ватан ҳақида эди. Кўзларимиздан ёш тиркиради. Умримизда биринчи марта овозсиз куйлаган кўшиқни қалбларимиз билан эшитдик, эшита олдик.

"Маданият қарвони" Жиззах шаҳри марказидаги Шароф Рашидов ҳайкали пойида старт олганда ўзига хос ҳикмат бор. Жиззах шаҳрининг улуг фарзандлари номи билан аталган ушбу хибёндаги Шароф

Рашидов музейи, Ҳамид Олимжон ва Зулфия музейлари, Болалар кутубхонаси каби зиё масканлари бир бутун адабий-мемориал мажмуани ташкил этади.

— "Маънавият фестивали" дастуридан ўнлаб ижтимоий лойиҳалар ўрин олган, — дейди Бахтиёр Хусанов. — "Инсон қадрини учун", "Меҳр-мурувват ва саховат", "Китоб қарвони", "Зиёлилар форуми" лойиҳалари шулар жумласидандир. Дастурдан ўрин олган барча лойиҳалар ранг-баранглиги билан Жиззах вилоятининг барча маҳаллаларига, ишлаб чиқариш корхоналарига, таъбир жоиз бўлса, барча хонадонларига кириб бориб, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолини қамраб олади. "Дамас"лар автокарвонидаги бадиий китоблар туман ва шаҳар китобхоналарига элтиб берилади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, жумладан, шундай деди:

— Бу ўтказилаётган тадбирлар шунчаки номига эмас. 10000 та китоб вилоятнинг турли ҳудудларига қараб йўл оляпти. Шундан 6 ярим мингтаси Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилди. Маънавиятнинг тўқсон фоизи китоблар орқали ҳосил бўлади. Учинчи Ренессанс — Уйғониш даври бошланди, дейилапти. Бу масъулиятни мана шу ёшлар бўйнига олиши керак. Ёшлар қанча билимли бўлса, қанча ўқимшли бўлса ва албатта руҳи тетик бўлса, Янги Ўзбекистон ҳам шундай бўлади. Ва мен ишонаман, мана шу халқ Ўзбекистонни елкасига кўтариб, дунёга машҳур қилади.

"Китоб қарвони" тадбири ижодий суҳбатларга улашиб кетди.

— Китоб, бу — Янги Ўзбекистоннинг қудрати, — деди профессор Жамила Шермухаммедова. — Жиззахдан юрт тараққиётига улкан ҳисса қўшган не-не улуг зотлар, давлат ва жамоат арбоблари, машҳур алломалар, шоир ва ёзувчилар етишиб чиққан. Улар китоб билан ошно тутишиб, билим, меҳнат ва заҳмат орқали улугликка эришганлар. Сизлар бу китобларни яши ўқиб-ўрганасизлар, ажодларга муносиб авлод бўласиз, деган умиддамиз...

Фестивал доирасидаги "Кинокарвон" кўниб ўтган ҳудудларда халқ сеvimли кино артистларини хушнудлик билан қарши олди. Ўзбекистон Кинематография агентлиги томонидан "Имом Термизий" "Ватан остонасида" "Муҳаббат баҳори", "101-рейс",

"Мерос", "Аёл қалби", "Аёл қисмати", "Барон-2. Соғинч", "Бир кунлик тўй" каби фильмлар премьерасига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

Таниқли кинорежиссёр Ҳилол Насимовнинг атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фильмни ишлаш таррадууди ҳақидаги хабар Жиззахликларни бениҳоя тўлқинлантирди.

Фестивал давомида Жиззах политехника институту мажлислар залида "Зиёлилар форуми" бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳада олимлар, ёзувчи ва шоирлар маҳаллий аҳоли фаоллари билан маънавий-маърифий мавзуларда самимий суҳбатлар ўтказишди.

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги "Мурувват" аёллар интернет уйида истиқомат қилаётган 170 нафардан ортиқ хотин-қиз ҳолидан хабар олинди. Тадбир қатнашчилари улар билан дилдан суҳбатлашди, таниқли санъаткорлар ижросидаги кўшиқлар даврага файз бағишладилар. Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти томонидан китоблар, совғалар жамланмаси топширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган бадиий адабиётлар жамланмаси ҳам уюшма вакиллари томонидан "Мурувват" уйида истиқомат қилаётган хотин-қизларга тўхфа қилинди.



— Ватан қачон Ватан бўлади? Унинг иссиғи-ю совуғини, қувонч ва ташвишларини бирга татиб, бирга бўлсак, шунда Ватан Ватан бўлади, — деди Усмон Азим зиёлилар билан суҳбатда. — Жадидлар юрт қайғуси, миллат қайғуси йўлида бирлашдилар. Жадидлар Ватан озодлиги, хурлигини ўзларининг умр мазмуни, деб билдилар ва шу йўлда жон фидо қилдилар.

Инсон қалбига йўл меҳр-мурувват ва саховатдан бошланади. Бу ғўзал туйғулар эса, асрлар мобайнида халқимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айлиниб улгурган. Фестиваль доирасидаги "Меҳр-мурувват ва саховат" лойиҳаси кўпларнинг қувончига, бемор инсонлар, отахон-онахонларнинг кўнгли кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Тарғибот гуруҳи аъзоларининг Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах вилоят филиалидаги учрашувлари ўқиб дилларга умид ва ишонч бағишладилар.

Шоирларнинг чиқишлари, таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган қўй ва кўшиқлар санъатсевар халқимиз қайғитини кўтарди.

**Бахтиёр ХУСАНОВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази  
"Маърифат" тарғибот жамияти раҳбари.  
**Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Жиззах вилояти бўлими раҳбари.

**Абдулла ШЕР**



\*\*\*

Мен куш бўлиб қанотимни йиғмадим,
Булут бўлиб кўкка чиқиб йиғладим,
Исм бўлиб бир жисмга сиғмадим,
Аттиладек ўз кўксимни тйгладим,
— Ким эдим мен? Ким бўлдим мен? Билмадим.

Оқ тонларда йўл сўрадим насимдан,
Шунда руҳим кўтарилди жисмимдан,
Лекин “Сим! Сим!” чиқиб қолди эсимдан
Қирқ қароқчи қувганида изимдан,
— Ким эдим мен? Ким бўлдим мен? Билмадим.

Сувим дедим арабларнинг Нилини,
Тутатмадим парим берган қилини,
Тушунмадим Темурбекнинг тилини,
Юзга бўлиб битта ўзбек элини,
— Ким эдим мен? Ким бўлдим мен? Билмадим.

Ой нурида исинганим бор гапдир,
Кўёшимдан қисинганим бор гапдир,
Бир эгилиб, минг синганим бор гапдир,
Қизил илга тизилганим бор гапдир,
Ким эдим мен? Ким бўлдим мен? Билмадим.

Ўтган — ўтди, энди йиғай хушимни,
Мақтамайин минг йил кўрган тушимни,
Учир майин бошдан Хумо кушимни,
Баҳорларга етказайин қишимни,
— Ким эдим мен? Ким бўлдим мен? Билайин.

### ШЕЪРИЯТ АРАВАСИ

Толе излаб азим пойтахтга
Келиб қолган қишлоқи мисол,
Мен кўникиб насыю нақдга,
Аравамни тортаман ҳалол.

Ғилдираклар тобора тезлар
Йўлдан топиб руҳ билан оҳанг.
Мижозимдир чол, йигит, қизлар...
Сўрамайман нима деб соҳанг.

Лайлу наҳор ғилдиракларни
Йиллар йўлга солар шу тахлит.
Мен соғиниб гоҳ теракларни,
Симёғочни қиламан танқид:

## Муҳаммад АЛИ



...Алишер билан Хусайни ота-оналари мактаб-га беришди. Мактаб соҳиби Шайх Савсаний одам-зод ичида малаксимон яратилган бир покиза зот, ҳунарпеша устод, муаллим макомида донг тарат-ганди. Мактаб Ҳиротнинг шимолида Инжил дарёси ёқасида шайхнинг хушманзара кенг-мўл ҳовлиси-да жойлашган, унда қизлар ҳам сабоқ олишарди. Ҳовлининг ёнида гулларини кўз-кўз қилишни яхши кўрадиган гулшан ястанганди, унинг охири бориб чўлга уланиб кетарди.

Шайх Савсаний тағли-тахтли хонадон болалари бўлган икки дўстага яхши эътибор берарди, уларда билим олишга иштиёқ юқорилигини фаҳмлади ва ичида қувонди. Дарҳол таълим тахталарига са-боқларни ёзиб берди, олдиларига қумуш лавҳ қўй-ди, вазифалар белгиллади...

Тўрт-беш йил ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди.

Ҳаёт бир маромда кечар, мудом шундоқ давом этаверадигандай туюларди. Ҳаёт — худони танимоқ, ўқимоқ, ўрганмоқ, билим олмоқ, ақлни тўлиштир-моқдан иборат, деб ўйларди икки дўст. Уларда дўстлик ришталари мустаҳкам, бири бирисиз ту-ролмайдиган сирдошлар... Бири шоир сифатида девон ёзиб, ўлжаларни яққалам этмоқчи, иккинчиси улуг Амир Темур салтанатини тиклаб, бобоси янглиғ дунёларга сурон солмоқчи...

Кутилмаганда қазодай бир нарса ёприлдню, Алишернинг тинч ҳаёти ости-устин бўлиб кетди...

Ишқнинг туғилиши башарий қатра мўъжизаси-дур, дейди машойиҳлар.

Кунлардан бир кун, — оҳ бу қандай кун экан-ки, Алишернинг бутун хаёлини, ҳаётини пароканда қилди, — аргувон чехрали бир неча бўйдош қиз-лар, сочларидан муш сочувчи гўзаллар сабоқ ол-моққа Шайх Савсаний мактабига кириб келдилар. Гулрухсорлар олдида ҳарир бинафшаранг кўйлак кийган, юзларига хиёл парда тутган бир парипай-кар кўзга ташланди. Кўйлак бирам ярашган эдики,

# ОЙ БҒЛАЙ ДЕБ ТИНМАЙДИ ХИЛОЛ

«Кирмасайдим гар шу бозорга
Яшармидим қишлоқда сокин —
Раҳмат айтиб танти баҳорга
Гуллаганда олмаю ноким...»

Аммо, не тонг, қисматдир менга
Шеърят деб аталган говур:
Лой сачратиб пойчаю енгга,
Бормоқ керак манзилга довур.

Қаранг, қандай арзон арава! —
Бозорига турар ярашиб!..
Мен мамнунман шундай сарава
Танти халқнинг юкини ташиб!

### ИСТАК

Қурсдошларимга

Косагул! Шаробмас, бугун тутгин бол,
Сўз айтсак, бол томсин тилларимиздан.
Уятга қўймаган Таржимаи ҳол
Мағрур чиқиб келсин йилларимиздан.

Беш йил бирга бўлдик, беш йил жамулжам, —
Гулзордаги гулдек вақтимиз эди;
Сочилган дур каби, қайда бўлсак ҳам,
Ёп-ёруғ яшамоқ аҳдимиз эди.

Асрдан асрга ҳатлаб ўтдик биз,
Ҳар бир қадамимиз — ўзи бир қисса.
Ўша илк қадамни ёдлаб ўтдик биз,
Билдикки, умр, бу — бир ширин гусса.

Қишларни ўтказдик, баҳорга етдик,
Майсага айланди етмаган дўстлар.
Тонгнинг китобини оқшомда битдик,
Юлдуздек нур сочди кундузги сўзлар.

Яшадик: курашдан ёдгор бўлиб гоҳ
Ғалабалар эмас, чарқоқлар қолди.
Гоҳо биз емаган мевадан, эвоҳ,
Тарих деб аталган пўчоқлар қолди.

Шукрона айтилик борига бугун,
Зеро, дон бўлмагай сомон йўқ жойда:
Кўёшда чўмилдик қиздирганда кун,
Тунлари ой билан суздик шўҳ сойда.

Кимлардир адашган бўлса мабодо
Хаёту хаёллар курашган кезлар,
Кечириб кучолдик, хато-хато-да! —
Дўстнимас, хатони йўқотдик бизлар.

Шукрона айтилик борига бугун,
Гар энди умримиз нозикдир қилдек:
Биз яшаб қолайлик авлодлар учун
Соат гардишига сиғмаган милдек.

Косагул! Шаробмас, бугун тутгин бол,
Сўз айтсак, бол томсин тилларимиздан.
Уятга қўймаган Таржимаи ҳол
Мағрур чиқиб келсин йилларимиздан.

### ЎЙЛАР

Яғир қилди, эвоҳ, елкамни
Ташвишлари кўҳна дунёнинг;
Бир дарахтдек ўстирдим ғамни
Тухумини излаб Анқонинг, —

Айтгин, Тангрим, ўзи кимман мен,
Айтгин, тутай кимнинг баридан?
Бир кун сўзлаб, ўн кун жимман мен,
Ширин орзу ўтар наридан.

Нима қилдим дунёда, ахир,
Қачон келар мен кутган Бугун?
Бир кун ширин, ўн куним тахир,
Бир кун руҳман, вужудман ўн кун.

Чорлов билан акси садони
Фарқлолмадим, яшадим сиизлаб.
Мен изладим бахтли маъвони
Бир хивични Ғиротга менгзаб.

Саволлардан айланар бошим, —
Олисдадир жавоблар шаҳри.
Ёниб борар ич билан ташим,
Чанқоқ босмас китоблар наҳри.

Мени ззар қадимий жабр,
Тепчиб чиқар кўзга асрий ёш.
Сабр бергин, Аллоҳим, сабр,
Коса бўлсин сабрга бу бош.

Оёқларим остидан, ҳайхот,
Овоз бўлиб чопади йўллар.
Ўнгман дея қичқирар бот-бот
Тўрт тарафни қучоқлаб сўллар.

Шундан гоҳо дostonларимга
Кучат қилиб додни экаман,
Дардларимнинг хирмонларига
Сатрлардан қанор тикаман.

Лекин баъзан сезаман ажиб
Хаёлотнинг шарпаларини.
Шунда бари туюлар нажиб,
Мен севаман бору барини.

Гоҳ тарихдан келган овозда
Тушлар аро янграйдиг отим,
Ёридади уйни қоғозда—
Яшайтган буюк Ҳиротим.

Ташда эса ҳануз ялтираб,
Ой бўлай деб тинмайди ҳилол,

Япроқларга чапак чалдириб,
Дарахтларни уйнатар шамол.

Кимдир дейди: “Бор экан охур, —
Эғлишда давом этар бош!..”
Шу ҳикматда тўхталдим охир,
Саксон томон қараганда ёш.

### УРУШ

Уруш нима? Сабаб? Баҳона? —
Кимдир ўлар, кимдир ўлдирар;
Ҳайкал бўлиб йиғлайди Она,
Айтинг, уни қай зот кўндирар?!

Минг-минг мағлуб, минг-минглар голиб,
Қайта тупроқ бўлар жисмлар,
Жонли рўйхат бир ёқда қолиб,
Қабристонда яшар исмлар.

Нега шундай, айт-чи, шўрлик бош,
Жаҳолатга бўй бериб ақл,
Қурум ичра қолар у қуёш,
Ёнгинлардан тафт олар жаҳл?..

Жавоб излаб шуларга алҳол,
Жангга кирдим мен ҳам дилпора:
Қалам деган қадимий қурол
Енгиб чиқса урушни зора!

\*\*\*

Файзулла Хўжаев хотирасига

Тарихнинг қоронғу йўлаklarидан
Жилмайиб боради ёп-ёруғ инсон,
Шафаққа ўхшаган кураklarидан
Қотган қон шаклида боқади замон.

Кўрқмаган кўкракнинг кураklари бу, —
Хиёнат пичоғин жим кутиб олди.
Буюк Туркистоннинг эртаklари бу, —
Қотган қон шаклида абадий қолди!

\*\*\*

Бир кун,
Мен бош силкитмаганим учун
Соянг билан жой талашиб,
Дединг:
“Тузимни единг,
Лекин дўстлик қилмадинг менга,
Қўламадинг!”
Мен ўртаниб кетдим ўшанда.
Шу-шу еган тузим
Ичимни ўртаб юборар доим
Кўзим сенга тушганда...
Жуда оғир экан туз емоқ...

эмас, нақд нозик ниҳол тоғ кийгининг ўзингинаси бўлиб қолган эди!

Балки бу тушдир? Шўрлик Алишернинг боши-га балодай ёприлиб тушига кирдиму ё ул пари? Сўбҳаноллоҳ! Башар зоти ҳам шунчалар баркамол, беғубор, етуқ, пок, оқ, оппоқ бўладиму?.. Ҳа, ишқ не-не замонлар ўзи учун покиза ер қидириб, ахтариб юриб-юриб, ниҳоят Алишернинг кўнглидан ўзига муносиб жой топди ва ниш уришга эришди, шекил-ли...

У қизнинг исмини Бадеълужамол дердилар, Ҳиротнинг пурзиё шайхларидан бири Бобо Хумо-ийнинг набирасийди, у туғилганда Султон Хусайн Мирзонинг эгачиси оқила ва бохурмат аёл Бадеъ-улжамол бегимнинг элда машҳурлигидан ҳавас қи-лишиб исмидан намуна олишганди.

Бадеълужамол чиндан сарв қад, нозик адо эди, у ой эмас, тўлин ой, балки тўлин ой ҳаммас, ярақлаган қуёш деса ярашарди. Офтобдай, тонгги

# АЛИШЕРНИНГ СЕВГИСИ

сабодай покиза, бир-бирига интилган қайрилма қошлари ўзаро ҳусн талашиб можаро бошлаб юбо-ришганда, қаро холи эшитибок, тинчитмоққа, ҳай-ҳай, дея етиб келиб, уларнинг орасига туриб олган... Покликда пок гавҳари ҳали ипга тизилмаган, лаъли руҳпарварига заргарнинг қўли етмаган, япроқлари-га офат ели тегмаган... Ишқ ояти бу покиза хурнинг оқ манғлайига битилган, аҳд-вафо фармони бетим-сол чехрасида товланиб кўринади... Устод Шайх Савсанийнинг ўзи одамзод ичидаги малаксимон фариштадай эди, ул ҳур эса ўша фариштадан сабоқ олгани мактабга келганди...

Севги бир нигоҳда муҷассамдир, деган мўъжи-за Алишер билан Бадеълужамолда юз берди. Бир қарашдаёқ улар ишқ моҳиятини англай олдилар. Севмоқ — жондан кечмоқ, ўзни фидо этмоқ, ан-дешани йиғштирмоқ. Ўзлари покизаларидан ҳеч кимга қоралик тиламайдурлар, ёмонлик нима эканини билмайдурлар, буни зинҳор ўйламаган-лар ҳам! Уларнинг кўнгли ҳамиша яримталигидан, яримтани тўлдирадиган муносибо “яримта”ни қиди-радурлар.

Офтоб чиққанида қоронги олам ёришиб кет-ганидай, хусн ва нозга тўлган ул паричеҳрадан мактаб ҳам ёришиб, чароғон бўлди. Ҳамма шо-

гирдлар беихтиёр унга эҳтиром кўргизиб, юқорига ўтказдилар. Чунки қизнинг қадди камоли, сулув-лиги, салобати ўзига катта ҳурмат, эъзоз ва ҳавас тиларди. Рост, машўқ — ҳусндан иборатдур... “Ин-налоҳа жамилун юҳиёб ул-жамоа” — деди ошиқ йигит ичида...

Йигит бир қарашданоқ волаю шайдога айлан-ди, бағрига ўт туташди, раҳмсиз ишқ бамисли сеҳрли ўпқондай ўзига тортарди, гўё у бир дарахт эдию аланга бошдан-оёёқ вужудига туташди. Бор-лиғи заифлашиб, ҳар нафас ҳушидан кетай, йиқи-ла-йиқилай дерди. Ҳалигача бундай барно хури-лони учратмаганди.

Ногоҳон ул одобли ойнинг кўзи Алишерга туш-дию, шу ондаёқ ўз кўнглини тоқатсиз кўрди! Зебо нигорнинг қалбига ларза тушди, борлиғи титради... Бераҳм ишқ, бу ёш экан, деб яяб ўтирмади, гулнор-нинг эс-хушини олди қўйди. Доно қиз йигитнинг холини фаҳм-идрок ила англагач, унинг ишқида қарори қолмай, бечора жони шавқ ўтида ёна бошлади! Бунинг шунчаки ишқ, мубатлолик эмас, нақ бало — офатнинг ўзи эканини гофил ёш кўнгиллар қаёқдан билишсун?..

Улар шу кунги сабоқлар қандай ўтганини ҳам сезишмади. Чунки бағоят теран мазмунга эга пурмазмун янги ишқ сабоғи чулғаганди уларни...

Ҳусайн Алишер бошига тушган савдони кўриб, не ҳол юз берди, дўстим, деб сўраса, кўнгли бўша-шиб кетган хаёли паршон Алишер жавоб ўрнига: “Оҳ!..” деб жавоб берарди, холос.

“Ҳали улар бир-бирлари билан сўзлашгонла-ри йўқ, бу ишқ уларга худодан келди... Бу илоҳий ишқдур...” — деди Султон Хусайн Мирзо ўзига ўзи, Лайли-Мажнунлар муҳаббатини эсларкан. Бадеълужамолнинг мизожи иссиқ келарди, доим шундан кўришарди, унинг устига бемаҳал ишқ оташи вужудини ёндирганидан қизганининг иссиғи бадтар ошар, сарв қадди тонгги сарин шаба-дадаги тераклардай, безгақдан титрарди...

Онанинг юрағи қизида қандайдир ўзгариш бор-лигини сезиб ҳаприқди.

— Не балоларга учрадинг? Гапир, нега узғариб қолдинг?..

Қиз сўз қотишдан ожиз эди. Бадеълужамол эртаси ҳам, индини ҳам мактаб-га келмади. Иситмаси пасаймади. Алишер севганини ўзоқдан кўриб турарди, энди мутлақо бенасиб қолганидан кўп изтироб чекди, ўзини қаерга қўйишни билмади.

Уч кундан сўнг Бадеълужамол дугоналари би-

Шоирларнинг осмоний иши,
Гарчанд ҳосил ундирмас ердан,
Лекин Ернинг юрак уриши
Эшитилиб туради шеърдан.

\*\*\*

Кечир, Тангрим, гоҳ кетсам тойиб,
Нетай, ҳануз норасоман мен,
Борлиғимни ёмғирга чайиб,
Гуллаётган бир асоман мен.

Гар сувратан сочда қор, бироқ,
Сийратимда чўғнамоман мен,
Тўрт фасл ҳам кўкламга ўртоқ,
Гуллаётган бир асоман мен.

Шукр, илҳом умримга шайдо,
Гарчанд гоҳ-гоҳ бесазоман мен,
Икки аср оралаб, якто
Гуллаётган бир асоман мен.

##### РУБОЙЛАР

1
Сен ош-нон дединг-у, ошнодан тондинг,
Мен сувман дединг-у, дарёдан тондинг.
Кунга ҳасад қилиб яшадинг тунда:
Гугуртлар қақдин-у, зиедан тондинг.

2
Бу умр ўткинчи — ортга қайтолмас:
Сен — отлиқ, у эса йўрга, байталмас.
Тик туриб номинг айт токи тириксан,
Ўлиқлар туролмас, сўз ҳам айтолмас.

3
Илму тажрибага мўл эрур дунё,
Бироқ мени қўйнар битта муаммо:
Одамсимон маймун дуч келмади ҳеч,
Маймунсимон одам кўп экан аммо.

4
Қиличдан ҳимоя бўлолди қалқон,
Ўқдан зирхли нимча сақлайди омон
Ва лекин қоғоздан ҳимоя йўлин
То ҳануз тополмай гарангдир инсон.

5
Гуриллаб ёнаркан муқаддас бино,
Кимдир шивирлади оломон аро:
“Бировнинг қўлида гугурт бўлганлар
Энг бахти қародир, энг бахти қаро!”

6
Дунёда борлар бор, йўқ — ўша-ўша,
Дунёда очлар бор, тўқ — ўша-ўша.
Лекин ўзгариш йўқ, дема, дунёда:
Курбонлар ўзгарар, ўқ — ўша-ўша.

7
Дунёни кавлайман, ўзни кавлайман,
Жўяли гап излаб, сўзни кавлайман.
Шеъру фалсафани тақдир деб, эвоҳ,
Пешана ишқалаб, тузни кавлайман.





# Галерея: Шаниқли миннатпояли rassom Ниязали Холматов (1947-2020) ижодидан намуналар



Шоҳ ва шоир З.М.Бобур (2005).



Қисса (2015).



Тоғ манзараси (2008).



Ҳижоя (2015).



Тоғ ҳаёли (2008).

## МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Талабалгимизда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Хуришид Даврон, Тоғай Мурод каби ижодкорларга ҳавас қилардик. Улар ижодида бағишланган адабий-танқидий мақола ва суҳбатлар таъсирида тафаккуримиз шаклланди. Айниқса, Озод Шарофуддиновнинг жиддий муҳокамаларга сабаб бўлган "Шеър кўп. Шоир-чи?" мақоласида айtilган фикрлар нақадар ҳаётлигига кейинчалик кўп гувоҳ бўлдим. Бир шоирнинг (тахаллуси шартли равишда "Улканий") антиқа гаплари ўша мақолани яна ёдимга солди...

Вилоятда китоб тарғиботи бағишланган ижодий учрашувга таклиф этилгандик. Ижодий гуруҳимизда Улканий ҳам бор. Ўзининг айтишича, қирқ беш йилдан буён шеър ёзаркан, бир нечта тўпламлари чиққан, бир пайтлар таниқли шоирлар ҳам мақтаган. Афсуски, биздан юқори курсда ўқиган бу аканинг шоирлигини билмас эканман. Ҳаётдан, адабий жараёндан ортада қолибман, деб хижолат бўлдим. Журналистика факультетида бирга ўқиганлардан суриштирдим. Улар ҳам Улканийнинг шоирлигидан беҳабар.

— Улканийнинг яхши шеърлари ҳам бор! — деди бир курсдоши.  
— Ҳўш, қайси шеъри? Айтинг, топиб ўқийман...  
— Очиғи, эсимда йўқ...  
— Ана холос! Эсингизда қолмаган шеърнинг нимаси яхши?  
— Ўзи айтганди, катта шоирлар мақтаган экан...

— Ўша катта шоирни билардингиз-ку, — деди унга бошқа курсдоши, — тандир гўшти билан "оқи"дан бўлса, "Оқ йўл" ёзиб бераверарди! Улканийни ҳам мақтаган бўлса мақтагандир, аммо "Оқ йўл" ёзмаган...

Учрашувларда Улканий ўзининг қанақа шоирлигини кўрсатди. Унинг тимсолида "Шоир қандай бўлмаслиги керак?" деган саволга жавоб топгандек бўлдим. Ҳа, бир

тош нари қоч". Улканий ясама таъзим қилиб даврани бўшатади, ташкилотчининг ишораси билан кимлардир чапак чалгандек бўлади.

Учрашувдан кейин Улканийнинг гапи қизиқ бўлди:

— Бу одамлар шеърни тушунмас экан...

Эртасига ҳам Улканий одамларнинг шеърни тушунмаслигидан нолиди:

— Кўпчилиги ўқитувчилар экан, — дедим гапга эътибор қилмай. — Бир

ни эшитиб, жони кираётгандир, — дедим ётиғи билан. — Қолаверса, мухлислар мени эмас, мен ўқиган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовнинг шеърларини олқишламоқда.

Улканийнинг овози хирллаб чиқди:

— Сиз бировнинг шеърларини айтиб олқиш олманг, билдингизми?

— Мен уларнинг китобларини тарғиб қилаяпман, холос, — дедим энсам қотиб.

— Фақат китобининг номини айтсангиз етади! Шеърини айтманг. Сиз маърузачиси, икки оғиз гапиринг, тамом! Бу давраларда мен шеър ўқишим керак, билдингизми?

Улканийнинг тиришган башарасига қараб, кулгим қистади. Аммо яна негадир "Ҳасаддан ичинг ёниб кетяпти-ку", дея олмадим. Кейин унга тегиштириб битта ҳазил шеър ўқиб бердим: "Шеър ёзишга қўймас ҳатто хотиним, Ортирманг, дейди у шоирдан душман". Унинг "буни менга атаб ёзбисиз-ку" дейишини, жанжал кўтаришини кутгандим. Аммо...

— Хотинингиз, шеър ёзмаг, деб тўғри айтибди, — деди у мени ҳайрон қолдириб.

Ана сизга савия! Афсуски, даъвоси ўзидан катта бундай "улканий"лар орамизда битта-иккитагина эмас-да. Адабиёт қасрига адашиб кирган бундай кимсалар хатосини ўз вақтида англаб, асл адабиёт билан хашаки ижодни бир-биридан фарқлаш учун ҳам устозимиз Озод Шарофуддиновга ўхшаб адабий ҳақиқатни ижодкорнинг юзига рўй-рост айтишни ўрганишимиз керак, шекилли.

Тўлқин ЭШБЕК,  
филология фанлари номзоди

## ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

### КУНИМИЗ

Ҳар тонг ризқ-нурини сочар кунимиз, Умримиз мазмуни ҳар бир кунимиз. Меҳнат билан овунар инсон — Номардга қолмасин қора кунимиз,

### ҚҮЛИ ГУЛ

Қўли гул десам Мониюдек наққош. Хунарига қўйиб кўз-у нақд қош. Деворга муҳрлабди баҳорий нақш, Уйга киролмас на дарду на қиш.

### ЎРАМИЗ

Табиат:  
— Бошоқларни қизлар сочидек ўраимиз. Дехкон:  
— Пишган чоғи ўроқ билан ўраимиз. Ҳашарчилар:  
— Эртанинг умиди билан яшаймиз Қишин-ёз "Олтин дон"га тўла бўлсин, деб ўраимиз.

Анвар МИРЗАЗОДА

## УЛКАНИЙНИНГ ПУЧ ДАЪВОСИ

пайтлар шоирлар билан учрашувга мухлислар ёпирилиб келарди. Ҳозир-чи?! Нега бундай, дейсизми? Ижодий учрашувлар чоғи билдимки...

Сценарийга кўра, камина китоб тарғиботи юзасидан маъруза қилишим, Улканий шеър ўқиши, санъаткорлар ашула ва рақслар ижро этишлари керак. Мақсад китоб тарғиботи бўлгани учун мен Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ижоди ҳақида гапираман, шеърларидан айтаман. Ўз ҳажвий шеърларимдан ҳам ўқийман. Кейин Улканий даврага чиқиб, ўзини таништириди, бир пайтлар машур шоир уни мақтагани, қанақа тўпламлари чоп этилгани ҳақида узоқ гапириб, кейин шеър ўқишга тушади. Тингловчилар аввалига эътибор билан тинглашди. Сўнг зерика бошлади. Аксига олиб Улканий узундан-узун шеърлар ўқийверади, асаблар таранг тортилади. Беихтиёр Озод Шарофуддиновнинг ушбу сўзларини эслаيمان: "Мағзи пуч сўзлардан бир

муаллима Фалончи шоирнинг шеърини қандоқ ҳаяжон билан ўқиди. Ўзи ҳам яхши шеърлар ёзаркан. Мухлислари қанчалик олқишлаганини кўрдингизми?

Улканий:

— У аёлнинг ўқиган шеърлари бир тийинга қиммат! Фалончи ҳам асли шоирмас! Уни "кўтар-кўтар" қилиб шу даражага етказишган, — деса бўладимки. Қизиқ, шоирни ким қай йўсинда "кўтар-кўтар" қилиши мумкин?..

Навбатдаги учрашувдан сўнг Улканий негадир менга захрини сочди:

— Сиз даврага чиққанда шеър айтманг!

— Нега?

— Савияси паст одамлар енгил-елли шеърингизга қарсақ чалаверади, — дедим асабийлашиб. — Сиз уларнинг савиясини баттар ўлдираёсиз...

— Менинг шеърларимни тинглаб, савияси улаётган бўлса, сизники-

## НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК

Одамлар билан мулоқотлар жараёнида муомала маданияти, киришимлилиқ, нотиқлик маҳорати каби тушунчалар ниҳоятда муҳим.

Давлат бошқаруви академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги ва "Нотиқлик санъати академияси" НТМ ҳамкорлигида "Нотиқлик санъати: коммуникатив компетентлик, мулоқот ва муомала маданияти асослари" ўқув-амалий курси ташкил этилди.

Маълумки, тараққиёт негизида маърифий мақсад ва ташаббускорлик ётади. Фаолиятнинг икки қанотидан бири ташаббускорлик бўлса, иккинчиси ташкилотчиликдир. Инсон қадрли улугланган халқчи бош дастуришимиз — Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини кенг оммага етказишда тушунтиришнинг муҳим воситаси — етуқ билим, нутқ маданияти ва нотиқликнинг ўрни бекиёс. Фикрни қисқа-лўнда ва раvon айта билиш муҳимдир. Ушбу курс ўқув машғулотларини олиб бориш учун тажрибали мутахассислар, етуқ ҳуқуқшунос-нотиқлар жалб этилди. Жумладан, юридик фанлар доктори, профессорлар Бобоқул Тошев ҳамда Феруза Мухиддинованинг амалий маърузалари, таниқли сиёсий шарҳловчи,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қо-билбек Каримбековнинг суҳбатлари, шунингдек, каминанинг нотиқлик маҳоратига доир назарий ва амалий машғулотлари тингловчиларга маъқул бўлгани қувонарли.

Раҳбар ходимларнинг блогер ва журналистлар билан мулоқот жараёнидаги муаммолар борасида интернет саҳифаларида турли мазмундаги маълумотларга дуч келамиз. Ҳўш, давлат хизматчиси бундай пайтда қандай иш тутиши ва ўз вазифасини қонунга мос тарзда бажариши учун нималарга эътибор қаратиши керак? Шу каби саволларга таниқли журналист, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети доценти, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси жамоатчилиқ кенгашининг раиси Карим Баҳриев ўз маърузасида атрафлича тўхтади.

Давлат хизматчилари нутқининг мантиқий ва жозибали бўлишини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири тил имкониятларидан унумли

фойдаланган ҳолда, фикрни таъсирчан етказишди. Бу борада эса, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Гўзал Холиқулованинг қизиқарли маърузалари айна муддао. Шунингдек, "Спикер" нотиқлик мактабининг раҳбари, иқтидорли ёш нотиқ Иқром Худайбергеновнинг амалий машғулотлари, филология фанлари номзоди, Давлат бошқаруви академияси доценти Улуғбек Саидовнинг чиқишлари эътиборга молик.

Ўқув курси якунида тингловчиларга тегишли гувоҳнома ва сертификатлар тақдим этилди.

Албатта, киришимли, хушмуомала ва билимли хизматчилар кўп бўлган жамоада ҳамжихатлик ва бирдамлик ҳуққрон бўлади. Бундай жамоада ижобий кўрсаткичлар ва самаралар буй кўрсатиши муқаррар.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,  
филология фанлари номзоди



Олтин фасл қувонми

## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади

"Ахборот технологиялари" кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1), "Маданият ва санъат менежменти" кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1), "Вокал" кафедрасига катта ўқитувчи (1), "Фольклор ва этнография" кафедрасига катта ўқитувчи (1), "Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият" кафедрасига кафедра мудири (1), катта ўқитувчи (1), "Саҳна нутқи" кафедрасига доцент(1), "Муסיқали, драматик театр ва кино актёрлиги санъати" кафедрасига профессор (1), доцент (1), катта ўқитувчи (1), "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедрасига кафедра мудири (1), "Чолғу ижрочилиги" кафедрасига ўқитувчи (1), "Миллий қўшиқчилик" кафедрасига ўқитувчи (1), катта ўқитувчи (1), "Кўғирчоқ театри санъати" кафедрасига профессор (1), доцент (1), катта ўқитувчи (1), "Фольклор ва этнография" кафедрасига катта ўқитувчи (1), "Эстрада ва оммавий томошалар санъати" кафедрасига катта ўқитувчи

(1), "Овоз режиссёрлиги ва операторлиги маҳорати" кафедрасига катта ўқитувчи (1), ўқитувчи (1).

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 "а"-уй.  
Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11.



**O'zbekiston**  
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:  
ЎЗБЕКISTON  
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:  
akfa

Бош муҳаррир  
Салим АШУР

Тахриратга келган кўғезмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ  
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Адаби - 862. Буюртма Г - 1144.  
Ҳажми - 3 босма табкок, А - 2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.  
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.  
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2181-614X  
4172181614000